

Намознинг кайфияти ва одоблари

05:00 / 09.01.2017 5455

Қози бир йигитни масжидда зуҳд ҳақида гапираётганини эшитиб, шогирдларига: "Қани бу йигитни олдига бориб сўрайликчи? Агар бизга жавоб бера олса у билан бирга ўтирамыз", деди. Сўнгра улар масжидга кириб: "Эй йигитча! Бизга намоз ҳақида хабар бер?" дейишган эди, йигит: "Сизлар мендан намозни одоби ҳақида сўраяпсизларми ёки кайфияти ҳақидами?" деди. Қози жаноблари унинг жавобидан лол қолди ва ўзига ўзи: "Ажабо! Биз ундан савол сўрасак у иккитага айлантириб юборди", дедида сўнгра йигитга: "Менга унинг одоби ҳақида хабар бер", деди.

Йигит: "Намознинг одоби, буйруқ бўлгани учун ўрнидан турасан, савоб умидида юрасан, ният билан киришасан, улуғлаган ҳолда такбир айтасан, тартил ҳолда қироат қиласан, хушуъ билан сажда қиласан, ихлос билан ташаҳҳуд ўқийсан, раҳмат айтиб салом берасан, (Яъни ассалому ʻалайкум ва роҳматуллоҳ, деб)", деди.

Қози: "Намознинг кайфияти ҳақида хабар бер-чи", деди.

Йигит: "Каъбани икки қошинг орасида, мейзон тарозуни кўз ўнгингда, сирот кўпригини қадамнинг остида, жаннатни ўнг томонингда, дўзахни чап томонингда, ўлим фариштасини орқангда кутиб тургандек, яъни кейинги намозда иштирок этаманми ёки йўқми деган кайфиятда намоз ўқийсан", деди.

Қози: "Ушбу васфдаги намозни неча йилдан бери ўқийсан?" деди.

Йигит: "Йигирма йилдан бери", деди.

Қози аъёнларига ўгирилиб қарадида: "Қани кетдик, ўқиган эллик йилги намозимизни қайтадан ўқиймиз", деди.

Аллоҳим! Бизларни ҳам намозни одоб ва кайфияти билан гўзал суратда адо этадиганлардан қилгин!

Манба: islom.uz

Ислом тарихи ажойботлари китоби асосида Анвар Аҳмад таржимаси.